

**“Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма компанияси” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида  
ХАБАРНОМА**

**Хурматли акциядорлар!**

“Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ Кузатов кенгашининг 2026 йил 8 июндаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши **2026 йил 30 июнь** куни, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107 уй бўйича жойлашган Жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри **2026 йил 24 июнь** ҳолатига тузилади.

**Кун тартиби:**

1. Санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият Кузатов кенгашининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият фаолиятининг 2025 йил якунлари бўйича Бошқарув раисининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва Жамиятда корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш мониторинги натижаларини кўриб чиқиш.
6. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамиятнинг 2026 йил учун мўлжалланган Бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамият ижро органи (Бошқарув раиси ва аъзоларини) ваколатларини узайтириш ва тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши қўйилган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш.
10. Жамият ижро органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори чегарасини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2026 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2026 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.
12. Жамият ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришларни маъқуллаш ва Жамият ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.
13. Жамият Кузатов кенгаши аъзолари Умаров Эркин Тахирович ва Ибрагимов Жаҳонгир Жовахирлаевичларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш.
14. Жамият Кузатов кенгаши аъзоларини сайлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107 уйда жойлашган “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖнинг биносида 2026 йил 15 июндан 2026 йил 29 июнга қадар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: [info@uzexprocentre.uz](mailto:info@uzexprocentre.uz).

Телефон: (+99871) 238-56-21